

ҲАКИМ ТЕРМИЗИЙ ВА ҚАФФОЛ ШОШИЙ “МАҚОСИДИЙ” ҚАРАШЛАРИНИНГ ҚИЁСИЙ ТАҲЛИЛИ

СРАВНИТЕЛЬНЫЙ АНАЛИЗ ВЗГЛЯДОВ ХАКИМА ТЕРМИЗИ И КАФФАЛА ШАШИ НА “ЦЕЛИ ШАРИАТА”

COMPARATIVE ANALYSIS OF THE VIEWS OF AL-HAKIM AT-TIRMIDHI AND AL-KAFFAL ASH-SHASHI ON THE “OBJECTIVES OF ISLAMIC LAW”

Ibrahim USMANOV,

Postdoctoral researcher of the Academy of Sciences,
the Institute of Oriental Studies named after

Abu Rayhan Biruni,

Candidate of Historical Sciences,

M.Ulugbek str. 79, 100170, Tashkent, Uzbekistan.

E-mail: i.usmanov@yahoo.com

DOI: 10.47980/IAU/2023/3/2

Аннотация: Мазкур мақолада мовароуннахрлик ўрта аср икки алломаси – Ҳаким Термизий ва Қаффо Шоишнинг “мақосид аш-шариа” – “шариат мақсадлари” бўйича муҳим асарлари қиёсий таҳлил қилинган. Мақосид аш-шариа – ислом ҳукмлари ортида турган ҳикмат, мақсадлар, ғоялар, сабабларни баён қилади. “Мақосид аш-шариа”нинг дастлабки тизимли таълимотга айланиши, унинг назарий асослари яратилиши IX-X асрларга тўғри келади.

Мақолада Ҳаким Термизийнинг илк мақосидий олим сифатидаги фаолияти таҳлил қилинган. Термизийга яқин давр ва ҳудудда яшаб мақосидий фикрлар улашган бир неча уламоларнинг ёзган асарлари умумий тарзда кўриб чиқилиб, мовароуннахрлик олим Қаффо Шоишнинг “Маҳосин аш-шариа” асари қиёслаш учун қуйидаги омиллар тўғрисида танлаб олинди: биринчидан, ҳудуд ва давр яқинлиги, Шоишнинг асари машҳур бўлган ҳамда тўлиқ ҳолда бизнинг давримизгача етиб келган. Қаффо Шоиш Мовароуннахрда шофеий мазҳаби олими сифатида фаолият кўрсатгани, Ҳаким Термизий эса гарчи ҳанафий ҳисобланса-да, машҳур “Табақот аш-шофеий ал-қубро” асарида иккинчи табақа шофеий уламолар сирасида зикр этилгани мақолада ёритилган.

Мақолада Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” ва Қаффо Шоишнинг “Маҳосин аш-шариа” асарида “ҳукмларнинг иллатлари (сабаб, мақсад)” мавзусига урғу берилган. Ҳар иккала олим ҳукмларнинг иллатларини аниқлашда ёндашган услуб баҳс қилиниб, Термизийнинг ёндашувида завқий-ирфоний руҳият устувор экани, Шоиш эса рационал тафаккур доирасида реал воқеъликка таянгани мақолада очиқ берилган.

Термизий ва Шоиш ўз асарларида бир қанча ўхшаш мавзуларни муҳокама қилганлар, аксарият ҳолларда турли натижаларга келганлар. Айрим фикрларнинг ҳукмларнинг иллатларини аниқлашда эришилган ўхшаш хулосалар мавзунинг ирфоний таъвил қилиш имкониятининг чеклангани билан изоҳланиши мақолада кўрсатиб берилган.

Мақола хулосасида Термизий ва Шоишнинг ибодат ва муамалот масалаларидаги иллатларни уйғунликда кўриб чиққани, уларнинг услубларидаги фарқлар, хусусан “Исбот ал-илал”да Термизий қўлланган лугавий-таҳлилий, тажриба, келиштирув, ирфоний, амалий услублар хусусиятлари очиқ берилган. Юқорида санаб ўтилган беш услуб Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал”даги ижодий фаолияти йўналишлари доирасини акс эттириши аниқланган.

Таянч сўзлар: иллат, мақосид, шариат, усул ал-фиқҳ, фуруъ ал-фиқҳ, маҳфий ҳикмат, ҳукм, ибодат, муамалот.

Аннотация: В данной статье анализируются важные работы двух средневековых ученых Мавераннахра – Хакима Термизи и Каффала Шаши о «Мақосид аш-шариа» – «целях шариата». Наука мақосид аш-шариа – разъясняет мудрость, цели, идеи и причины, лежащие в основе предписаний ислама. Систематизирование учения «мақосид аш-шариа» на основе создания его теоретических основ состоялось в IX-X веках.

В статье анализируется творчество Хакима Термизи как первого «мақосидского» ученого. А также, сделан общий обзор работ, написанных учеными, которые жили в близкий период, и в близлежащем регионе к Хакиму Термизи, и которые тоже распространяли идеи о мақосид. Для проведения сравнения взглядов Термизи о «целях шариата» был выбран труд «Маҳасин аш-шариа», принадлежащий перу известного ученого Каффала Шаши из Мавераннахра из-за следующих факторов: во-первых, близость региона и периода жизнедеятельности, знаменитость сочинения Шаши, а также главный фактор – то что, «Маҳасин» дошёл до нашего времени целиком. В статье указывается, что Каффал Шаши славился ученым-шафиитом в Мавераннахре, а Хаким Термизи, несмотря на то что, считался ханафитом, он упоминается среди учёных-шафиитов второго звена в известном труде «Табақот аш-шафиий ал-қубро».

В статье проводится сравнительный анализ «илал ал-ахкам» - «мотивов предписаний» в сочинениях «Исбат ал-илал» Термизи и «Маҳасин аш-шариа» Шаши. Обсуждаются методы, используемые обоими учеными при определении причин предписаний. А также в статье выявляется, что в подходе Термизи к «илал» даётся предпочтение мистическому мышлению, тогда как Шаши опирается на реальную действительность в рамках рационального мышления.

Термизи и Шоши обсуждали в своих произведениях ряд схожих тем, но в большинстве случаев они приходили к разным выводам. В статье показано, что схожие выводы, сделанные при определении «мотивированности» некоторых шариатских предписаний, объясняются

ограниченностью возможности мистического толкования предмета.

В заключении статьи выявлено, что Термизи и Шаши рассматривали вопросы «илал ал-ахкам» в богопоклонении и взаимоотношениях в гармонии. Определены различия и свойства их методов, к которым они прибегали. В особенности, лексико-аналитические, экспериментальные, примирительные, философские и религиозно-практические методы Термизи, которых он использовал в «Исбат ал-илал». Установлено, что пять перечисленных выше методов отражают творческое мировоззрение Хакима Термизи в «Исбат ал-илал».

Ключевые слова: илал, макасид, шарият, усул ал-фикх, фуру' ал-фикх, тайная мудрость, суждение, юриспруденция богопоклонений и взаимоотношений.

Abstract: In this article, the important books of two medieval scholars of Mawerannahr – al-Hakim at-Tirmidhi and al-Qaffal ash-Shashi on «maqasid ash-sharia» – «objectives of Sharia» are analyzed. Maqasid al-Sharia – explains the wisdom, goals, ideas, and reasons behind the rulings of Islam. The transformation of «Maqasid ash-Sharia» into the first systematic doctrine, the creation of its theoretical foundations corresponded to the 9th-10th centuries.

The article analyzes al-Hakim at-Tirmidhi's activity as the first maqasidi scholar. The works written by several scholars who lived in the period and region close to at-Tirmidhi and who shared maqasidi ideas were reviewed in general, and the work «Mahasin ash-sharia» by another great scholar al-Qaffal ash-Shashi from Mawerannahr was selected for comparison due to the following factors: firstly, the proximity of the region and time, the popularity of ash-Shashi's work, and that it has come down to our time in its entirety. The article highlights that al-Qaffal ash-Shashi was representative of the Shafi'i madhab in Mawerannahr, and al-Hakim at-Tirmidhi, although considered as Hanafi madhab follower, was mentioned in the famous work «Tabaqat ash-Shafiyya al-Kubra» among the second rank of Shafi'i madhab scholars.

In the article, the theme of «cause or purpose of rulings» is emphasized in at-Tirmidhi's «Ithbat al-ilal» and ash-Shashi's «Mahasin ash-sharia». The method used by both scholars in determining the causes of judgments is discussed, and it is revealed in the article that in at-Tirmidhi's approach mystical mentality is the priority, while ash-Shashi relied on real reality within the framework of rational thinking.

At-Tirmidhi and ash-Shashi discussed a number of similar topics in their works, but in most cases came to different conclusions. It is shown in the article that the similar conclusions reached in determining some causes of certain jurisprudential rulings are explained by the limitation of the possibility of mystic interpretation of the subject.

In the conclusion of the article, author came to conclusion that, at-Tirmidhi and ash-Shashi looked at in harmony to the causes in jurisprudence of prayers and transactions, and detected the differences in their styles, and peculiarities of the lexical-analytical, experience, agreement, philosophical, and practical methods used by at-Tirmidhi in «Ithbat al-ilal»

were analyzed. It is revealed that the five methods listed above reflect the scope of al-Hakim at-Tirmidhi's approach in «Ithbat al-ilal».

Key words: illat, maqasid, shariat, usul al-fiqh, furu' al-fiqh, secret wisdom, jurisprudence of prayers and transactions

КИРИШ

Ҳаким Термизий (ваф. 330/932) ўз асарларида мақосидий қарашларни баён қилган илк муаллифлардан ҳисобланади. Манба ва тадқиқотларда айнан Ҳаким Термизийга яқин даврда мақосидий қарашларни баён қилган бир неча олимнинг номи қайд этилади: Абу Зайд Балхий (ваф. 322/933), Абу Мансур Мотуридий (248-333/853-944), Қафғол Шоший (ваф. 365/976), Ибн Бобавайх Қуммий (ваф. 381/991), Абулҳасан Омирий Файласуф (ваф. 381/991) (Auda, J., 2008:13-16). Ушбу мақолада уларнинг айримларининг мақосидий қарашлари қиёсий таҳлил қилинган.

Абу Зайд Балхийнинг “ал-Ибана ан илал ад-дияна” асари муамалот бобида илк мақосидий асарлардан бўлиб, муаллиф асарда шаръий ҳукмларнинг яширин ҳикматларини баён қилган (Auda, J., 2008:14-15). Аммо афсуски, асар бизнинг кунларгача етиб келмаган. Абу Мансур Мотуридийнинг “Ма’ахиз аш-шароъи фи усул ал-фикх” китобининг ҳам номи манбаларда қайд этилган (Suyutiy, A., 1936:69), аммо асарнинг ўзи етиб келмаган.

Бобовайх Қуммий – кўзга кўринган шиа уламоларидан. Шиаликда эътироф этилган шариатга доир тўртта китобнинг иккинчиси муаллифи. Қуммий жуда сермахсул ижодкор бўлиб, 300дан зиёд асар муаллифи, аммо унинг 20га яқини бизгача етиб келган. Бобовайх Қуммий мақосидий шиа уламоларидан бўлиб, “Жомъ илал ал-ҳаж”, “Илал аш-шароъи ва-л-аҳкам ва-л-асбаб” каби шу мавзудаги асарлари маълум (Zahriy, X., 2003:187).

Абулҳасан Омирий кўплаб ислом марказларида фаолият олиб боради. Илмий ижодининг энг чўққисида сомонийлар (Gafurova, I. M., 2020:329-334) ҳомийлиги остида Бухорода, хусусан, сомонийларнинг Бухородаги машҳур кутубхонасида самарали ижод қилган. Унинг энг муҳим асарлари айнан Бухорода таълиф этилган (G'urob, A., 1988:11). Шулардан бири – “ал-Иълам би манақиб ал-ислам” қиёсий диншунослик масалаларига бағишланган дастлабки асарлардан бўлиб, унда муаллиф шариат мақсадларидаги беш зарурият ҳақида ёзган: “Дин, тана, насл, ақл ва мулк муҳофазасига барча миллатларда роя қилинади, зеро бу Аллоҳ юборган барча дин ва шариатлар ўртасида муштарак қоидалар ва асослардир”. Шунингдек, тадқиқотларда унинг

Абу Зайд Балхийнинг асарига номдош бўлган “ал-Ибана фи илал ад-дияна” номли мақосидга оид китоби ҳам зикр этилади (Risuniy, A., 2014:64).

НАТИЖА

Ушбу мақолада мовароуннахрлик икки аллома: Ҳаким Термизий ва Қаффол Шошийнинг (Мухамедов Н., 2014:130) шариат мақсадлари бўйича қарашлари таҳлил қилинади. Қаффол Шоший (Muhamedov N., 2015:119-126) Мовароуннахрда шофей мазҳаби олими сифатида фаолият кўрсатган, Ҳаким Термизий эса ҳанафий мазҳаби фикҳини таълим олганини асарларида қайд этган. Шундай бўлса-да, Ҳаким Термизий Абу Ҳанифанинг бир қанча фикрларига танқидий муносабат билдирган ҳолда унинг шогирдлари Абу Юсуф ва Муҳаммад Шайбоний қарашларига мувофиқ бўлган. Шуни қайд этиш лозимки, шофей фақиҳ Тожуддин ас-Субкий (ваф. 1370 й.) машҳур “Табақот аш-шофийия ал-кубро” асарида Ҳаким Термизийни иккинчи табақа шофей уламолари сирасида зикр этган (Subkiy, T., 1999:449).

Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал” ҳамда Қаффол Шошийнинг “Маҳосин аш-шариа” асарлари илк мақосидий қарашлар намоён бўлган ҳамда бугунги кунимизгача етиб келган ноёб манбалар ҳисобланади. Ушбу икки манбада шариат ҳукмларининг иллатлари муҳокама қилинган. “Иллат” сўзи луғатда “бир нарсада ҳосил бўлиши билан ўша нарсанинг ҳолини ўзгартирувчи”ни англатади. Шу эътибордан беморлик ҳам “иллат” дейилади. Усул ал-фикҳ уламолари иллатни: “Масалаҳат (фойда, манфаат) юзага чиқиши учун маълум ҳукмнинг шариатга киритилишига сабаб бўлган нарса ёки ҳукмни танитувчи сифат”, деб таърифлаганлар (Muhammad Sodiq, M.Y., 2019:138-140). Шариат ҳукмларининг иллатларини билиш мақосид аш-шариянинг муҳим қисмларидан бири ҳисобланади. Айнан ҳукмларнинг иллатлари масаласи усул ал-фикҳ илмида янги соҳа – “мақосид аш-шариа” – “шариат мақсадлари” назариясининг пайдо бўлишига хизмат қилди (Azamatov, R., 2018:6).

УСЛУБЛАР

“Исбот ал-илал” ва “Маҳосин аш-Шариа” асарларининг бир-бирига ўхшаш ва фарқли жиҳатлари мавжуд. Жумладан, усул ал-фикҳ ва фуру ал-фикҳга оид масалалар уйғунликда муолажа қилингани, ибодат ва муомалот масалалари аралаш

ҳолда муҳокама қилингани, бир-бирига яқин мавзулар устида баҳс олиб борилгани асарларни яқинлаштиради, аммо услубиятнинг ўзига хослиги, таянилган манба, эришилган хулосалар айри экани икки асарни бир-биридан фарқли қилади. Шунингдек, ҳажм, кўрилган мавзулар сони бўйича “Маҳосин” камровлироқ бўлса, ҳукмларнинг маънавий-ирфоний жиҳатларини намоён қилиш бўйича “Исбот” беназирдир.

Ҳаким Термизий “Исбот ал-илал” асарида 69 та фикҳий ҳукм ва масаланинг иллатини келтириб ўтади.

“Исбот ал-илал” асари муқаддимаси “Бисмиллаҳ”дан кейин Ҳаким Термизий кўп китобларида мурожаат қиладиган услуб – иккинчи шахс томонидан берилган саволга жавоб тарзида ёзилганини маълум қилиш билан бошланади: “Сен буйруқ ва қайтариқ (*ал-амр ва-н-наҳй*) иллатларининг исботи бўйича кишилар мунозара қилган нарсалар ҳақида мендан сўрадинг”. Сўнгра ўз муҳолифларининг фикрларини, уларнинг далилларини келтириб туриб, уларга бирма-бир жавоб қайтаради: «Одамлар “иллатлар йўқ нарса” эканини айтадилар. Аммо ҳукмларнинг иллатлари мавжуд, уларни англаганлар англайди, билмаганлар билмайди» (at-Termiziyy, M., 1998:67). Сўнгра муаллиф ҳукмларнинг иллатлари мавжудлигини исботлаш учун авваламбор асарнинг кириш қисмида оят ва ҳадисларга, сўнгра мантикий усулларга таянади. Мантикий усулларга мисол: “Аллоҳ таоло бандаларига бирор нарсани буюрса ёки бирор нарсадан қайтарса, беҳудага қилганми ёки ҳикмат биланми? Агар беҳудага деса, Аллоҳнинг буйруқларига бепарво ва беписанд бўлиб, уни ўйинга йўйган бўлади, Агар “амр ва наҳй ҳикматдан чиқарилган” деса, унга “қани ўша ҳикмат, нима экан у?” дейилади” (at-Termiziyy, M., 1998:69). Шундан сўнг аллома ҳикмат илми орқалигина ҳукмларнинг иллатини аниқлаш мумкинлигини айтиб, ҳикмат илмининг афзаллигини кўрсатади: “Ҳикмат – илмнинг ботини – яширин қисми, ботин – нарсанинг мағзидир, зоҳир – нарсанинг пўстлоғи. Манфаат мағизда, пўстлоқда эмас” (at-Termiziyy, M., 1998:69).

Қаффол Шошийнинг “Маҳосин аш-шариа” асарида фикҳий масалалар 4 мусҳаф (ўрам), 25 боб ва жами 158 бўлимга ажратилган. Ушбу муаллиф ҳам китоб муқаддимасида “шариатнинг иллатлари” ҳақида сўраганларга жавоб тарзида битилганини баён қилади (ash-Shoshi, A., 2007:17).

Қаффол Шоший “Маҳосин аш-шариа” китобида бошидан охиригача ибодат ва муамалот масалаларини истисно қилмаган ҳолда шариат иллатлари ҳақида фикр юритади: нима учун

тахоратни нопокликдан тозаланиш учун ушбу тартибда жорий қилди, унинг ҳикмати, нима учун намоз кунига 5 марта буюрилди, нега ракатлар сони шундай белгиланди, ҳикмати нима, закотнинг нисоблари нега бундай ҳисобланади? Шунинг учун баъзи уламолар уни “хатто ибодат масалаларига ҳам таълилни киритган”, деб таълил (ҳукмларнинг иллат (сабаб, мақсад)ларини аниқлаш) масаласида муболаға қилганига таъна қилганлар. Замонавий етакчи мақосидий олим Аҳмад Рисунӣ бу таъна ва айбловлар ўринсиз эканини қайд этган (Risuniy, A., 2014:67).

МУҲОКАМА

Қафғол Шоший асар муқаддимасида 3та коидани келтириб ўтади:

1. Фикҳдаги кўплаб фаръий масалаларда ҳикматини излаб топиш унинг номаълумлигидан амри маҳол бўлади. Шоший уни ҳикматнинг махфийлиги деб атайди. “Биздан ҳикматини излаб топиш эмас, балки амал қилиш ва бу нарса Ҳаким ва Алим зот ҳузуридан келганига имон келтириш талаб қилинади” дейди Шоший.

2. Шариатнинг ҳукмлари “ҳукм кўпчиликка” тамойили асосида белгиланади.

3. Камнинг ҳукми кўпга ҳам тааллуқли бўлади. Мисол тариқасида: маст қилувчи ичимликнинг ками ҳам кўпи ҳам ҳаромлиги (Samak, M., 2007:8).

Шоший “Маҳосин”да эҳтимол ўз замондош уламоларга қуйидагича мурожаат қилади: “Қандай қилиб бундай фикрга йўл қўйдингиз: Аллоҳ таоло Ўз яратган нарсаларининг кўплаб маъноларини барча махлуқотларидан яширганки, ундан на муқарраб фаришта ва на набий мурсал беҳабар бўлса, ёки бу маънолардан фақатгина пайғамбарлар, фаришталар ёки уларнинг баъзиларигина хабардор бўлсалар? Нима учун Аллоҳ бир нарсага (кимсага) ҳақиқат илмини билдирмаслигини вожиб қилдингиз?” (ash-Shoshi, A., 2007:29-30). Шундан сўнг Шоший уларнинг бу масалалар бўйича ёндашувлари хусусида ўз ҳулосасини беради: “Агар улардаги шу (масалалар) ҳақиқати кўриб чиқилса, тузукроқ бир далилларга таянмайдилар ҳам. Фақатгина эҳтиросга ўралган хурофий фикрлар бор холос. Чунки улардан олдингиларнинг ҳам бу борадаги гаплари натижаси – “таътил (Аллоҳнинг сифатларини бекор қилиш)”, даҳрийлик ва одамларни (диндан) чиқишда айблаш” бўлган (ash-Shoshi, A., 2007:29-30).

Шундан сўнг Шоший диндаги айрим ибодатларнинг сабабларини умумий тарзда баён қилади: “Намоз – умумий маъноси турли ҳокисорлик ҳаракатлари билан берган неъматларига шукрона

сифатида Холиққа таъзим келтиришдир. Закот – ўзларини эпламаган ҳамда бойларнинг кўмагисиз нобуд бўлиш эҳтимоли бор эҳтиёжмандларга ёрдам қилишдир” (ash-Shoshi, A., 2007:26). Шу қаторда Шоший рўза, ҳаж, қурбонлик ва бошқа масалаларнинг жорий қилиниш сабабларини умумий тарзда очиб беради. Сўнгра мавзунинг батафсил таҳлили ҳақида тўхтаб шундай дейди: “Бундан ортиғи тафсилотларга киради. Масалаларнинг кўпи ақл билан тушуниладиган туркумдандир. Кўпининг айрим жиҳатлари махфий бўлади: намоздаги ракатлари сони, бир ракатда саждалар такрори, руқунинг бир марта бўлиши, таҳоратнинг бир олинishi (бир неча намозлар учун) каби махфийлик жиҳати безарар бўлган масалалар” (Ash-Shoshi, A., 2007:30). Шундан сўнг Шоший қуйидаги ҳулосасини келтиради: “Шариатларда умумий ҳолатда ҳамда усул жиҳатдан намоеън бўлган ҳикматларнинг баъзилари тафсилот ва фуруъ жиҳатдан махфий бўлиб қолади” (ash-Shoshi, A., 2007:31). Яъни, кўп масалаларнинг иллатлари умумий ҳолатда аниқлансада, аммо тафсилотларга киришилганда айрим ҳукмларнинг иллатлари яширин бўлиб қолиши мумкин.

Қафғол Шоший “адашганларнинг сўзлари” деб шундай дейдиганларни қайд этади: “Буюк Аллоҳ ҳеч нарсани ҳикматсиз яратмайди. Ҳикмат сўзининг маъноси ҳамма нарсаларга ёйилган, қамраб олган. Аллоҳга нисбат берилган ҳикмат васфи Унинг барча махлуқотлари ва ишларига умумий қўлланади. Агар уларнинг бирортасидан ҳикмат васфини маҳрум қилиш мумкин бўлса, демак худди шу каби бошқасидан ҳам маҳрум қилиш мумкин” (ash-Shoshi, A., 2007:31). Кейин ўзи шу даъвога жавоб беради: “Жамийки бор нарса Ҳаким зот Аллоҳнинг яралмишидир. Уларни шакл, тузилиш, сурати ва бошқа нарсада фарқли яратгани Ўзи билган ҳикмат асосида бўлган. **У ўзи қиладиган бирор нарса ҳақида сўралмас, балки улар** (Аллоҳнинг олдида бандалар) **сўралурлар** (Анбиё, 23). Ундан бошқанинг Унинг катта-кичик ишларидаги ҳикматига назар солиши талаб қилинмайди. Бинобарин, ҳикмати махфий нарсада бундай қилиш Унгагина жоиздир” (ash-Shoshi, A., 2007:31).

Қафғол Шоший бандаларга аён бўлмаган иллатлар ҳақида шундай баён қилади: “Биз учун иллоти махфий, хос маънога эга ҳукмнинг ҳикмати сўралса, унинг жавоби умумий манфаат иллоти билан изоҳланади. Ва айтамикки, Аллоҳ таоло бандаларига бу (ҳукм)дан манфаат бўлгани учун жорий қилган, бунинг ортида Унинг ғайбни билиши туради. Машойихларимиз бизга маълум қилган хос иллатларга тўхтаб ўтирмадик (ash-Shoshi, A., 2007:27).

ТАҲЛИЛ

Юқорида айтилганидек, “Исбот ал-илал” ва “Маҳосин аш-шариа”да кўплаб ўхшаш мавзулар муҳокама қилинган. Айрим мавзулар баёни ва хулосаси бир-бирига жуда яқин, лекин аксарият мавзулар таҳлил услуби ва натижасига кўра турличадир. Қуйида икки асардаги айрим ўхшаш мавзулар рўйхати келтирилади:

“Исбот ал-илал”да:	“Маҳосин аш-шариа”да:
Фарз (мафруда) намозлари адади иллоти зикри	Фарз (мактуба) намозлари адади боби
Намоз вақтлари иллоти зикри	Жума намози зикри боби
Жума намози иллоти зикри	Рўза боби
Рўза иллоти зикри	Халол ва ҳаром қилинган руҳсиз егулик ва ичимликлар зикри боби
Қоннинг ҳаром қилиниш иллоти зикри	Либос ва зийнат китоби
Майнинг ҳаром қилиниш иллоти	
Тилла ва ипакнинг эркакларга ҳаром қилиниши иллоти зикри	Закот китоби
Кийимини кеккайиб судраб юришнинг ҳаром қилиниш иллоти	
Закот иллоти зикри	Ҳаж китоби
Ҳаж иллоти зикри	
ва бошқа ўхшаш мавзулар.	

Энди юқорида қайд этилган мавзулар икки аллома томонидан қандай баён қилинганини кўриб чиқамиз.

Масалан, “Исбот ал-илал”да намоз ракатларининг сони иллоти ҳақида қуйидагича келтирилади: “Намоз бошида икки рақъатлик бўлган [...]. Шом намозида икки рақъат бир ракат қўшилиб, кундузнинг амали (ибодати) тоқ санокда Аллоҳнинг ҳузурига кўтарилади [...]. Бомдод намозида қироат узун қилингани учун, аслий икки ракатида қолган [...]. Жума намозида хутба бўлгани учун намоз икки ракат бўлган, токи намозхонларга малол келмаслиги учун. Сафар машаққати туфайли намозлар ҳам аслий икки ракатида қолган” (at-Termiziy, M., 1998:122-123).

“Маҳосин аш-шариа”да намоз ракатларининг сони иллоти ҳақида қуйидагича келтирилади: Бомдод намози қироатнинг узун қилиниши суннат бўлди, шунга унинг ракатлари сони иккита бўлди: бир жиҳати ортиқлиги учун иккинчи томонни енгиллатилди. Шу йўсинда жума намозида ҳам намоздан олдин хутба қилиш жорий бўлди,

намоз ракатлари сони ҳам иккита қилинди токи мувозанатни сақлаш учун. Хутба маҳзуф (олиб ташланган) бўлган икки ракат ўрнида бўлди, токи унинг ўрнини эслатиб туриш учун [...]. Намоз аввалида икки ракат эди. Сўнггра муқимликдаги намозга зиёда қилинди. Илло шом намози бундан мустасно бўлди, зеро, у кундузнинг витридир ҳамда бомдод мустасно бўлди, зеро унда қироати узун, жума намози ҳам шундай, зеро унда икки хутба бордир” (ash-Shoshi, A., 2007:83-84).

Юқоридаги матнларда намоз ракатлари сониди келтирилган иллатлар баёни иккала муаллифда деярли ўхшаш эканини кўриш мумкин.

“Исбот ал-илал” китобида рўзанинг иллоти қуйидагича очиб берилади: “Рўза инсоннинг ўз нафси одатланган нарсасидан воз кечиш, уни маҳрум қилиш бўлиб, нафсга оғир ботади. Бунда тана Аллоҳга топшириб қўйилади. Чунки нафс шаҳватларга мойил бўлса, бутун вужуди билан Аллоҳ таолодан дунё томон ўгирилади. Нафс Аллоҳдан узоқлашиши баробарида, барака кета бошлайди. Бир жойдан бараканинг кетиши уни хор ва зор қилади. Агар нафс ўз одат ва шаҳватларидан тийилиб, Аллоҳ томон юзланса, Унга қурбати ошади, барака қиради. Агар барака кирса, у ўсиб-унади. Бу ердаги ўсиш – яхшилик билан тўлиш ва зиёда бўлишдир. Одамзот ичи бўш яратилган, унинг ичига имон, илм, ҳикмат, ақл, фаҳм, сакинат ва виқор жойланган. Буларнинг бари қалбнинг лашкарлари. Бошқа томонига эса рағбат, қўрқоқлик, шаҳват, ғазаб, макр, хирс, бахиллик ва номардлик жойланган, улар эса нафснинг лашкарларидир. Агар банда нафснинг одатини тийса, унда нафсни Аллоҳга фидо қилган, Унга топширган бўлади. Агар уни (Аллоҳ) қабул қилса, ато этилган имон, ақл ва бошқа зикр қилинган хайрли нарсалар билан нафс ўсади. Рўза шунда тананинг закоти бўлади [...]. Аллоҳ таоло рўзани барака кириши учун сабаб қилиб берган. Ундаги ҳамма хайрли нарса ўсиб зиёда бўлади. Нафс ҳам яхшилик билан тўлади. Банда ўз нафсини шу йўл билан тийгани учун Аллоҳ таоло унинг бу амалини катта қилиб қабул қилади” (at-Termiziy, M., 1998:177-179). Яъни рўзанинг иллоти – нафсга барака кириши ҳамда инсоннинг ичига жойланган хайрли сифатлар (имон, илм, ҳикмат, ақл, фаҳм, сакинат ва виқор) билан нафснинг ўсишидир.

“Маҳосин аш-шариа” асарида эса рўзанинг иллоти ва ҳикмати қуйидагича очиб берилади: “Рўзанинг сабаби – нафсни синдириш ва лаззатлардан тийилиш билан Аллоҳга ҳокисорлик қилишдир” (Ash-Shoshi, A., 2007:129).

Матнлар муқояса қилинганда рўзанинг иллоти “Исбот ал-илал”да ирфоний ёндашув асосида

муолажа қилингани, “Маҳосин аш-шариа”да эса умумий шаклда баён қилинганини кўриш мумкин.

Намоз вақтлари иллатлари “Исбот ал-илал” китобида қуйидагича очиб берилади: “Бомдод намози буюк белгидир (мўъжиза), у қуёш чиқишининг ибтидосидир. Буюк белги зоҳир бўлганда бандаларнинг безътиборлик билан ўз ўринларида ётишлари ҳақсизлик эмасми [...]. Банда томондан Аллоҳнинг буюк белгилари зоҳир бўлиб турганда, даҳшатга тушмасдан ўрнида ётиши хунук ҳолат. Аллоҳнинг мўъжизалари намоён бўлиб турган маҳалда тазарруъ билан Унга юзланишни буюрди. Аллоҳнинг ҳақларидан ғафлатда қолгани, Унинг тундаги ҳуқуқларини адо этмаганлиги аччиғини тотмай, куннинг бошланишида хайр ва баракани қабул қилиб олади. Мана шу вақтда ўқиган намози тундаги камчиликларига каффорат, кун аввали хайрли бошланиши ва амаллар китобига ёзилишига сабаб бўлади” (at-Termiziy, M., 1998:129-130). “Пешин намози вақтининг иллоти қуёшнинг заволга кетиши, яъни Аллоҳ таолога сажда қилиши (вақтидир). У сенга мусаххар қилинган. Ўзига буюрилган вазифани адо этади. Қуёш саждага эгилаётган вақтда содир этган ишларингга тавба-тазарруъ қилиб, рукуъ ва саждага турмаслигинг жоиз эмас [...]. Қуёш заволга кетиб, саждага эгилиши – рукуъ мақомидадир. Гумбазнинг ярмидан ўтиб пастга саждага кетади, мана шу (вақт) аср дейилади (at-Termiziy, M., 1998:129-130). Шом вақтининг иллоти эса тун ҳукмронлигининг зуҳур бўлишида. Бу буюк оят (белги, мўъжиза) намоён бўлиб, уфқни қоплайди, ҳар нарсани ўз домига қамраб олади, ҳаммани ўз ини-уясига киритади [...]. У келгунга қадар нафслар ёввойилашиб ваҳшийлашиб кетади, аммо у келиши билан ҳамма уй уйига, инига интилади [...]. Аллоҳ тунни бандаларига роҳат олишлари учун раҳмат қилиб берган [...]. Тун ҳукмронлигининг ибтидоси қуёш ботиш вақтида бошланади, унинг (шомнинг) охири уфқ тўлиқ қорайиб, кўзлар ажрата олмаслигидир. Мана шу шом ва хуфтон иллоти бўлиб, бу маҳалда буюк белги намоён бўлади. Бундай белгига эҳтиром кўрсатмаслик банда учун чиройлик эмас [...]. Ўзинг билан овора бўлиб, Уни кутиб олиш учун бошингни кўтармасанг, сенга ҳам шундай муносабатда бўлинади, мартабанг тушади, сендан неъматларини кўтаради, яхшиликларини сендан узоқлаштиради. Нақадар фақир ва бечора!” (at-Termiziy, M., 1998:133-134).

Намоз вақтларининг иллатлари “Маҳосин аш-шариа”да маиший шароитга муфовик ҳолда талқин қилинади: “Пешин намози биринчи намоз деб ҳам аталади. Куннинг ярмида бўлади. Кун аввалги, ўрта

ва охири қисмларга бўлинади. Аллоҳ таоло уни тирикчилик ва тасарруф учун яратган. Инсон пешин вақтига қадар ризқ талабида машғул бўлади. Агар ҳамма вақтида намозга машғул бўлса, танадан мадор кетади, тирикчилик тўхтади. Шунинг учун Аллоҳ беш вақтнигина белгилаб, у тун ва кунни ўз ичига қамраб олади.

Кундузи одамлар тирикчилик ташвишида бўладилар, мана шу вақтда улар Парвардигорни ёдга олишдан чалғиб қоладилар. Мана шунинг учун кун ярмига келганда дунё машғулотларидан воз кечиб, Аллоҳга шукрона келтириш ва саҳв-хатоларини ўтишини тилашлари учун Унинг зикрига юзланишга буюрилдилар. Сўнгра яна ўз тирикчиликларига қайтадилар. Бозорларнинг айримлари куннинг бошида, баъзилари куннинг охирида бўлади, яъни куннинг кундуз қисми тасарруфот, саъй-ҳаракат учун белгиланган. Кундуз якунига етишга юз тутганда, аср пайти бўлади. Бу пайтда одамлар машғулотларидан манзилларига қайтишга отланадилар. Шу пайтда муяссар бўлган ризқ сабаблари учун ҳамда ҳидоят бергани учун Аллоҳга шукрона, саҳв-хатоларини ўтишни сўраш учун намозга буюрилдилар. Тун кириши билан манзилларига етиб, истироҳат олиб, кунларининг ўтгани учун, бир чарчоқли, бир роҳатли қилгани, ҳаммасини ўз вақтида бергани шукронаси учун шом намозига буюрилдилар [...]. Сўнгра уларни машаққатга қўймаслик, уйкуга кетишлари учун (хуфтон) намози вақти туннинг ярмидан олдинга сурилди [...]. Сўнгра туннинг ўтгани ҳамда тирикчилик билан танага мадор бериб тик ушлаб тургани учун тонгги намозни адо этадилар” (ash-Shoshi, A., 2007:79-81).

Намоз вақтлари бўйича ёндашувлар муаллифларда фарқли экани намоён бўлади: Термизий ёндашувида анча юқори маънавий пағоналарни кўзда тутилса, Шошийнинг баёнида бу мавзу маиший доирада муҳокама қилинади. Қоннинг ҳаром қилиниш иллатини Термизий қуйидагича баён қилади: “Қоннинг бошланиши ошқозондандир. Одам (а.с.) дарахтдан еган куни унга (ошқозонга) душман (шайтон) йўл топган. Шайтон жойлашган жойдан томирлар бўйлаб қон оқади. Шунинг учун қон чиқиб оқса, таҳорат вожиб бўлади [...]. Қон оқса, таҳоратни синдиради, зеро, қон қотиб гўштга айланиши мумкин. Қон оқса, танадан кетади, гўшт бўлишдан йироқ бўлади, шунда таҳорат вожиб бўлади” (at-Termiziy, M., 1998:237).

“Маҳосин” китобида эса қоннинг ҳаром қилиниш сабаблари қуйидагича ёритилади: “Қон ҳаромдир. У ифлос бўлгани, ҳиди ёқимсиз, ичгандан фойда йўқлиги, унинг ҳолати ўлимтик

ейишдан ҳам баттарлигидир [...]. Қон ҳаром қилинишининг яна бир жиҳати мушрикларнинг ўз илоҳларига қурбат ҳосил қилиш учун кўп истифода қилишлари, санамлари устидан қуйишлари, ақиқада ёш болаларининг бошларига суртишлари бўлиши мумкин. Мусулмонларга қондан эҳтиёт бўлиш буюрилди. Унинг ҳаром қилинишида икки санаб ўтилган маъно жамъ бўлди. Улардан бири қоннинг ўзига, иккинчиси қонга боғлиқ (масалаларда келиб чиқадиган) маъноларга тааллуқлидир” (ash-Shoshi, A., 2007:227-228).

Қон ҳаром қилиниш масаласида ҳам Термизий ёрдашувида ирфоний-завқий кайфият устувор эканини кўриш мумкин. Шоший эса воқеий, реал омилларга таянади.

Тилла ва ипакнинг эркакларга ҳаром қилинишининг ҳикмати “Исбот ал-илал”да қуйидагича ёритилади: “Аллоҳ таоло жаннат аҳлини васф этганда **“Улар (жаннат аҳли) у жойда олтин билакузуклар ва марваридлар билан безалурлар, либослари эса ҳарир (ипак) бўлур”** (Ҳаж, 23).

Агар банда бу дунёда ипак кийим кийса, жаннатда фахрланиб юрадиган жаннатийларга ўхшаб қолади. Гуноҳ ва айбларга шўнғиган банданинг (жаннат аҳлига хос) фахрланиб юриши яхшими? Тилла ва ҳарир фиръавн ва зўравон золимларнинг либоси. Улар бу дунёда ўз насибаларини олиб, лаззатланиб олдилар [...]. Аллоҳнинг душманларига ўхшашга интилиш, уларнинг зийнатлари билан зийнатланиш қалбни бузади. Аёлларга эса бу уларнинг безаги, такинчоқлари бўлгани учун ҳалол қилинди, зеро бу уларнинг ҳуқуқларидандир. Бинобарин аёл турмуш ўртоғи учун, унинг иффатини муҳофаза қилиш, аёллар фитнасидан сақлаш учун безанади [...]. Худди шундай тилла ва кумуш идишларда ичишдан, ипак ва шойини тўшак қилишдан қайтарилди, зеро бу ҳам фиръавн ва зўравон золимларнинг ишидир” (at-Termiziy, M., 1998:239-240).

Ушбу мавзу “Маҳосин”да қуйидагича ёритилади: “Ипак ва шойи аёлларнинг либосидир, эркаклар унга эргашмаганлари маъкул. Унда яна шараф ва зўравонлик маъноси ҳам бор. Одатга кўра уни шараф соҳибларигина киядилар. Бундай шараф эркакларга ҳаром қилиниб, аёлларга ҳалол бўлди” (ash-Shoshi, A., 2007:236).

“Эр ва аёлларга тилла ва кумуш идишлардан истеъмол қилиш таъқиқланди. Чунки бу жоҳилият даври ҳамда мутакаббир ва кеккайганларнинг ишидир” (ash-Shoshi, A., 2007:238-239).

Кеккайиб изорини судраб юришнинг ҳаром қилинишининг иллати “Исбот ал-илал”да

қуйидагича ёритилади: “Кеккайиб изорни судраб юришнинг ҳаром қилиниши иллати шундаки, улуғлик ва кибр Аллоҳга хос. Изорни кибр ва фахрланиш учун судраб юриш ҳаромдир. Бу билан банда кибр ридоси билан Аллоҳга тенглашмоқчи. Расулуллоҳ а.с. ҳам “Кеккайиб изорини судраб юрган одамга Аллоҳ Қиёмат куни назар қилмайди” – дедилар. Чунки у киши Аллоҳга тенг бўлмоқчи, бу эса ношукрлик, калондимоғликдан” (at-Termiziy, M., 1998:241).

“Маҳосин”да бу ҳолатнинг ҳаром қилиниши қуйидагича баён қилинади: “Эр кишига изорини тўпигидан пастигача тушириб юриши жоиз эмас. Чунки бу фазилят аҳлининг либоси (яъни тушириб юрмаслик). Аммо унинг тескариси эса кеккайган ва димоғдорларнинг ҳамда кибрланиб изорини судраб юрадиганларнинг феълидир” (ash-Shoshi, A., 2007:239).

Юқорида кўрилган матнлардан муаллифларнинг бу ерда ҳам муносабатлари ўхшаш экани, деярли бир хил далил асосида ўхшаш хулосалар чиқарилиши ҳолатини кузатиш мумкин.

ХУЛОСА

“Исбот ал-илал” ва “Маҳосин аш-шариа” асарлари ҳажм ва қамров жиҳатидан бир-биридан фарқланади, гарчи иккала асарда ҳам ўхшаш мавзулар муҳокама қилинган бўлсада. “Маҳосин” асарида муомалот масалалари тафсилотларига кўп киришиб кетилган.

Иккала асарлар услубиятда фарқлар кўзга ташланади: Ҳаким Термизийда руҳий, завқий-ирфоний услуб устувор бўлса, Шошийда рационаллик, реал воқеълик билан боғлиқлик кўпроқ кўзга ташланади.

“Исбот ал-илал” ва “Маҳосин аш-шариа” муаллифлари айрим масалаларда бир хил натижаларга келсалар ҳам, аммо аксар масалаларда хулосалар фарқли. Шошийнинг Термизийдан таъсирлангани мавзуси манба ва тадқиқотларда ёритилмаган. Демак, ўхшаш хулосалар иккала муаллиф рационализм доирасида фикр юритганда юзага келган.

Ҳаким Термизийда ислом шариатидаги мавжуд меъёрларни тасаввуфий руҳ билан уйғунлаштириш кайфияти кучли бўлиб таъвилга кўп эътибор қаратилган бўлса, Қафғол Шошийда эса нақлий ва аклий далиллар доирасида таълил масалалари муолажа қилинган.

Ҳаким Термизийнинг «Исбот ал-илал» асарида иллатларни талқин қилишда қўллаган услублари жуда хилма-хил бўлиб, Қафғол Шошийдан

кўра кенгрок доирада фикр юритган. “Исбот ал-илал”да Термизий қўлланган услубларни қуйидаги йўналишлар бўйича тасниф этиш мумкин:

1. Луғавий-тахлилий йўналиш: Ҳаким Термизий маълум бир сўзнинг ишлатилаётган маъносини таҳлил этиб, ўша сўз ва сўз билдирган объект ўртасини улайди, яъни объект ва унинг номи маъноси бир-бирига боғлиқ эканини кўрсатиб беради. Ҳар бир сўзни энг кичик унсурларига, яъни ушбу сўзни ташкил этган ҳарфларга таҳлил этади. Бу билан сўзни ташкил этган ҳарфлар ва сўз ўртасидаги ҳамда сўз ва у билдирган маъно ўртасидаги боғлиқлик бор эканини у таъкидлаб ўтади.

2. Тажриба йўналиши: Ҳаким Термизий ўз фикрларини ўқувчилар онгига етказиш мақсадида турли оят, ҳадис, мисоллар, ривоятлар ва хулосаларини тақдим этади. Бу унинг нозик ҳолатларни синчковлик билан идрок этишига далолат қилади.

3. Келиштирув йўналиши: Ҳаким Термизий бир мавзу бўйича турли қарама-қарши мулоҳазаларни жамлайди, сўнгра уларни бир-бирига яқинлаштириб, ихтилофли фикр ва қарашларни ўзаро мослаштиради.

4. Ирфоний йўналиш: Ҳаким Термизийнинг иллатнинг моҳиятини ташқи ва ички англаш ҳиссиётлари (садр, ‘ақл, руҳ, қалб, нафс) орқали идрок этиши ҳақидаги фикрлари унинг ирфоний қарашларининг негизини ташкил этади.

5. Амалий йўналиш: аллома ўз қарашлари маиший ҳаётда амалий ифодасини топиши мумкинлиги нуктаи назаридан фикрларини баён қилган.

Юқорида санаб ўтилган бешлик Ҳаким Термизийнинг “Исбот ал-илал”даги ижодий фаолияти доирасини акс эттирувчи йўналишлардир.

ФЙДАЛАНИЛГАН МАНБА ВА АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ:

1. أبو بكر القفال الشاشي (2007). محاسن الشريعة. بيروت: دار الكتب العلمية.
2. محمد الحكيم الترمذي (2008). نواذر الأصول. المجلد 1. القاهرة: مكتبة الإمام البخاري.
3. محمد الحكيم الترمذي (1965). الصلاة ومقاصدها. القاهرة: دار الكتاب العربي.
4. محمد الحكيم الترمذي (1981). علم الأولياء. القاهرة: مكتبة الحرية الحديثة.
5. محمد الحكيم الترمذي (1998). إثبات العلل. دار البيضاء: النجاح الجديدة.
6. محمد الحكيم الترمذي (2005). الفروق ومنع الترادف. العجوة: مكتبة الإيمان.
7. عثمان عدنان، بسمه علي ربابعة (2015). علاقة المقاصد الشريعة بالعلّة والمناسبة والحكمة: دراسة تأصيلية فقهية. دراسة علوم الشريعة والقانون Vol. 2015. Iss. 3. Article 42.

8. Auda, Jasser (2008). Maqasid Al-Shariah: A Beginner's Guide. London, Vashington: The international Institute of Islamic Thought.
9. Auda, Jasser (2008). Maqasid Al-Shariah as Philosophy of Islamic Law: A Systems Approach. London, Vashington: The international Institute of Islamic Thought.
10. Азаматов, Р. (2018). Теория целей шариата и её связь с источниками исламского права. – Уфа: Изд-во БГПУ.
11. عبد الفتاح البركة (2014). الحكيم الترمذي ونظريته في الولاية. القاهرة: مكتبة الوهبة.
12. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Каффал Шаши – мухаддис из Ташкента. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130. http://www.sociosphera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
13. Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>.
14. Faxriddinov, Zafar (2019). “Hakim Termiziyning Markaziy Osiyo ilmiy-ma'naviy muhitidagi o'rni hamda tafsir va lug'at ilmiga qo'shgan hissasi”. The Light of Islam. Vol. 2019. Iss. 4. Article 9.
15. Gafurova, I. M. (2020). The Samanids mausoleum as a monument of dynastic architecture of the early middle ages. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81), 329-334.
16. أحمد عبد الحميد غراب (1988). مقدمة كتاب الإعلام في مناقب الإسلام. الرياض: دار الأصالة.
17. جبار دفتر حيدر (2019). دلالة الأصل اللغوي عند الحكيم الترمذي في مجلة كلية التربية للبنات. Vol. 2019. Iss.10. Article 23.
18. محمد حسين (2005). التنظير المقاصدي عند الإمام محمد طاهر ابن عاشر. الجزائر: جامعة جزائر.
19. الإمام محمد كمال (2015). المقاصد قبل الشاطبي. نقلا من <https://www.arrabita>.
20. نعمان جعيم. طرق كشف عن مقاصد الشارع (2013). عمان: دار النفائس.
21. محمد الجيوشي (1981). الحكيم الترمذي: الدراسة لأثاره وأفكاره. القاهرة: دار النهضة العربية.
22. Мухаммад Содик, М.Ю. (2019). Усулул фикҳ. Тошкент: Ҳилол-нашр.
23. سامي نصر (1981). المقدمة لكتاب علم الأولياء. القاهرة: مكتبة الحرية الحديثة.
24. أحمد ريسوني (2014). المحاضرات في مقاصد الشريعة. القاهرة: دار الكلمة.
25. محمد علي سمك (2007). المقدمة لكتاب محاسن الشريعة. بيروت: دار الكتب العلمية.
26. Шиммель, Аннемари (2012). Мир исламского мистицизма / Перевод с англ. Н.Пригариной. Москва: Садр.
27. Шоший, Низомуддин (2016). Усулуш Шоший / А.Аҳмадалиев нашрга тайёрлаган. Тошкент: Мовароуннахр.
28. Heer, Nicholas (1960). Al-Ḥakīm al-Tirmidhī's Kitāb Ithbāt al-'Ilal. A paper read at the 1960 annual meeting of the American Oriental Society held in New Haven, Connecticut.

29. تاج الدين السبكي (1999). طبقات الشافعية الكبرى. المجلد 1. بيروت: دار الكتب العلمية.
30. عبد الرحمن السيوطي (1936). طبقات المفسرين. المجلد 1. القاهرة: مكتبة الوهبة.
31. Sviri, Sara (2002). "Words of power and the power of words". Jerusalem Studies in Arabic and Islam. Vol. 2002: Iss 27. Article 13.
32. خالد الزهري (2003). تحليل الشريعة بين السنة والشيعة. بيروت: دار الهادي.
33. خالد الزهري (2009). تجليات البرهان. بيروت: المكتبة العصرية.
34. خالد الزهري (2013). حكيم خراسان وأنيس الزمان. الرباط: مركز الدراسات والأبحاث.

REFERENCES

1. Ash-Shoshi, Abu Bakr Qaffol (2007). Mahasin ash-Sharia / Muhammad Ali Samak tahqiqi. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya (in Arabic).
2. At-Termiziy, Muhammad al-Hakim (2008). Navodir al-usul. V.I. Qohira: Maktaba Imom al-Buxoriy (in Arabic).
3. At-Termiziy, Muhammad al-Hakim (1965). As-sola va maqosiduhu. Qohira: Dor al-kitab al-arabiy.(in Arabic).
4. At-Termiziy, Muhammad al-Hakim (1981). Ilm al-avliyo / Somi Nasr nashri. Qohira: al-Maktaba al-hurriya al-hadisa (in Arabic).
5. At-Termiziy, Muhammad al-Hakim (1998). Isbot al-ilal. Kasablanka: an-Najah al-jadida (in Arabic).
6. At-Termiziy, Muhammad al-Hakim (2005). Al-Furuq va man' at-taroduf. Ajuza: Maktaba al-Iman (in Arabic).
7. Adnon, Usoma., Rabobia, Basma Ali (2015). "Aloqa maqosid ash-sharia bi-l-illa va-l-munasaba va-l-hikma: dirosa ta'siliyya fihiyya". Dirosot ulum ash-sharia va-l-qonun. Iordaniya universiteti nashri. Vol. 2015. Iss. 3. Article 42 (in Arabic).
8. Auda, Jasser (2008). Maqasid Al-Shariah: A Beginner's Guide. London, Vashington: The international Institute of Islamic Thought (in English).
9. Auda, Jasser (2008). Maqasid Al-Shariah as Philosophy of Islamic Law: A Systems Approach. London, Vashington: The international Institute of Islamic Thought (in English).
10. Azamatov, R. (2018). Teoriya tseley shariata i yeyo svyaz s istochnikami islamskogo prava. Ufa: Izd-vo BGPU (in Russian).
11. Baraka, A. (2014). Al-Hakim at-Termiziy va nazariyyatuhu fi-l-vilaya. Qohira: Maktaba Vahba (in Arabic).
12. Мухамедов, Н. А. (2014). Хазрат Имам Абу Бакр Кафал Шаши – мухаддис из Ташкента. Peoples of eurasia. history, culture and interaction problems, 130. http://www.sociosfera.com/files/conference/2014/k-04_05_14.pdf#page=130
13. Muhamedov N. (2015). Keffal Şaşı'nin Diplomatik Faaliyeti. Marmara Türkiyat Araştırmaları Dergisi 2 (2), 119-126. <https://dergipark.org.tr/tr/download/article-file/282071>.
14. Faxriddinov, Zafar (2019). "Hakim Termiziyning Markaziy Osiyo ilmiy-ma'naviy muhitidagi o'rni hamda tafsir va lug'at ilmiga qo'shgan hissasi". The Light of Islam. Vol. 2019. Iss. 4. Article 9 (in Uzbek).
15. Gafurova, I. M. (2020). The Samanids mausoleum as a monument of dynastic architecture of the early middle ages. ISJ Theoretical & Applied Science, 01 (81), 329-334.
16. G'urob, Ahmad Abdulhamid (1988). Abulhasan Omiriyning "Kitab al-i'lam bi manaqib al-islam" asari kirish qismi. Ar-Riyod: Dor al-asola (in Arabic).
17. Haydar, Jabbor Daftar (2019). "Dalolat al-asl al-lug'aviy inda al-Hakim at-Termiziy (fi kitabihi Tahsil nazoir al-Qur'on)". Majallat Kuliyat at-tarbiya li-l-banat. Vol. 2019. Iss.10. Article 23 (in Arabic).
18. Husayn, Muhammad (2005). At-Tanzir al-maqosidiy inda-l-Imam Muhammad Tohur ibn Oshur. Al-Jazoir: Jamiat Jazoir (in Arabic).
19. Imom, Kamoliddin Muhammad (2015). Al-maqosid qobla-sh-Shotibiy // ar-Robita al-Muhammadiyya. Rabot: <https://www.arrabita> (in Arabic).
20. Jug'aym, Nu'mon (2013). Turuq kashf an maqosid ash-Shori'. Ammon: Dar an-nafais (in Arabic).
21. Juyushiy, M. (1981). Al-Hakim at-Termiziy: dirosa li osorihi va afkorihi. Qohira: Dar an-Nahda al-arabiyya (in Arabic).
22. Muhammad Sadiq, M.Y. (2019). Usulul fiqh. Toshkent: Hilol-nashr (in Uzbek).
23. Nasr, Somi (1981). Hakim Termiziyning "Ilm al-avliyo" asari kirish qismi. Qohira: al-Maktaba al-hurriya al-hadisa (in Arabic).
24. Risuniy, Ahmad (2014). Muhodorot fi maqosid ash-sharia. Qohira: Dor al-kalima (in Arabic).
25. Samak, Muhammad Ali (2007). Abu Bakr Qaffol Shoshiy. "Mahosin ash-sharia" asari nashrining kirish qismi. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya (in Arabic).
26. Shimmel, Annemari (2012). Mir islamskogo mistitsizma / Perevod s angl. N.Prigarinoy. Moskva: Sadra (in Russian).
27. Shoshiy, Nizomuddin (2016). Usulush Shoshiy / A.Ahmadaliyev nashrga tayyorlagan. Toshkent: Movarounnahr (in Uzbek).
28. Heer, Nicholas (1960). Al-Hakim al-Tirmidhi's Kitāb Ithbāt al-'Ilal. A paper read at the 1960 annual meeting of the American Oriental Society held in New Haven, Connecticut (in English).
29. Subkiy, Tojuddin (1999). Tabaqot ash-shofiyya al-kubro / Mustafo Ahmad Ato nashrga tayyorlagan. Bayrut: Dor al-kutub al-ilmiyya, 1999. V. I. (in Arabic).
30. Suyuti, Abdurahmon (1936). Tabaqot al-mufasssir. Qohira: Maktaba vahba. V.1. (in Arabic).
31. Sviri, Sara (2002). "Words of power and the power of words". Jerusalem Studies in Arabic and Islam. Vol. 2002: Iss 27. Article 13 (in English).
32. Zahriy, X. (2003). Ta'lil ash-sharia bayna-s-sunna va-sh-shia. Bayrut: Dar al-hadiy (in Arabic).
33. Zahriy, X. (2009). Tajalliyot al-Burhon. Bayrut: al-Maktaba al-Asriyya. (in Arabic).
34. Zahriy, X. (2013). Hakim Khuroson va anis az-zamon. Rabot: Markaz ad-dirosot va-l-abhos (in Arabic).